

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН
ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ДИАСПОРАЛАРНИНГ ЎРНИ**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-52>

**Хайназаров Баҳромжон Бахтиёрович,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
“Жаҳон тарихи” кафедраси доценти в.б., PhD**

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари рус, немис ҳамда корейс диаспоралари мисолида ёритиб берилган. Миллатлараро тотувлик – Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги, бу эса турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритиши ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили эканлиги илмий таҳлил этилган.

Миллатлараро муносабатларда уйғунликни мавжудлиги кўп миллатли жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этиши, бу эса Ўзбекистон Республикасидаги диаспораларга ўз имкониятларини тўла намоён қилишлари учун имконият яратиши таъкидланган. Шунингдек, мамлакатда яратилган ижтимоий-сиёсий муҳит, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилиши ва уларнинг қафолатланиши Ўзбекистонда яшовчи турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро тотувлик мустақиллик йилларида эришилган энг катта ютуқлардан бирига айланлигига эътибор қаратилган.


Калит сўзлар: давлат сиёсати, миллатлараро муносабатлар, ижтимоий барқарорлик, диаспора, ҳуқуқ ва эркинликлар, миллий - маданий марказлар, миллат ва элат вакиллари, тинчлик, тотувлик.

**РОЛЬ ДИАСПОР В РАЗВИТИИ СОТРУДНИЧЕСТВА И ДРУЖЕСКИХ
ОТНОШЕНИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН С ЗАРУБЕЖНЫМИ
СТРАНАМИ**

**Хайназаров Баҳромжон Бахтиёрович,
доцент и.о. PhD кафедры «Всемирной истории»
Национальный Университет Узбекистана имени Мирзо Улуғбека**

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается роль немецких, русских и корейских диаспор в Узбекистане, в развитии сотрудничества и дружеских отношений Республики Узбекистан с зарубежными странами. Научно анализируется, что межэтнические отношения являются одним из приоритетов государственной политики



Узбекистана, который является важным фактором для обмена, сотрудничества и обеспечения социальной стабильности. Подчеркивается, что наличие гармонии в межэтнических отношениях может оказать глубокое влияние на политическое и экономическое развитие многонациональных обществ, что позволит диаспорам Республики Узбекистан в полной мере продемонстрировать свои способности. Также было отмечено, что благоприятная общественно-политическая среда, созданная за годы независимости, и гармония между представителями разных национальностей стали одним из величайших достижений Узбекистана.

Ключевые слова: государственная политика, межэтнические отношения, социальная стабильность, диаспора, права и свободы, национальные культурные центры, представители нации и народности, мир и спокойствие, гармония, согласие.

THE ROLE OF DIASPORAS IN THE DEVELOPMENT OF COOPERATION AND FRIENDLY RELATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN WITH FOREIGN COUNTRIES

Khaynazarov Bakhromjon,


**Associate Professor , PhD of the Department of World History
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek**

ANNOTATION

This article clarifies the role of the german, russian and korean diasporas in Uzbekistan, in the development of cooperation and friendly relations of the Republic of Uzbekistan with foreign countries. It is scientifically analyzed that inter-ethnic relations are one of the priorities of the state policy of Uzbekistan, which is an important factor for exchange, cooperation and ensuring social stability. It is emphasized that the presence of harmony in inter-ethnic relations can have a profound impact on the political and economic development of multinational societies, which will allow the diasporas of the Republic of Uzbekistan to fully demonstrate their abilities. It was also noted that the favorable socio-political environment created over the years of independence, and harmony between representatives of different nationalities became one of the greatest achievements of Uzbekistan.

Key words: state policy, inter-ethnic relations, social stability, diaspora, rights and freedoms, national cultural centers, representatives of the nation and nationality, peace, harmony.

Миллатлараро тотувлик – Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифода этади. Бу масала Ўзбекистон Республикаси учун ҳам жуда муҳим саналади. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат




истиқомат қилиб келган. Миллатлараро муносабатларда уйғунликни мавжудлиги кўп миллатли жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этади.

Бу эса Ўзбекистон Республикасидаги диаспораларга ўз имкониятларини тўла намоён қилишлари учун имконият яратиб, жамиятнинг барча соҳаларида фаол иштирок этиш учун катта туртки вазифасини ўтайди. Зеро, мамлакатда яратилган ижтимоий-сиёсий муҳит, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилиши ва уларнинг кафолатланиши Ўзбекистонда яшовчи турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро тотувлик мустақиллик йилларида эришилган энг катта ютуқлардан бирига айланди.

Миллий маданий марказлар борасида олиб борилаётган ишлар дунё ҳамжамияти томонидан юқори даражада эътироф этиб келиняпти. 2009 йилда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг камсонли миллатлар бўйича Олий Комиссари Кнут Воллебек Байналмилал маданият маркази фаолияти билан яқиндан танишади. Турли миллат вакилларига ўқиш, ўз маданиятларини ривожлантириш борасида яратилган шароитларини кўриб, бу тажрибани бошқа давлатларга ҳам ёйиш керак, деган фикрни билдирган эди[1].

Миллий маданий марказларнинг фаолияти нафақат мамлакатнинг ички, шунингдек, ташқи алоқаларида ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Чунки дунёнинг турли мамлакатлар билан дипломатик алоқаларида маълум бир давлат ва унга мос диаспора вакиллариининг ижтимоий уюшмаси бўлган миллий маданий марказининг барқарор фаолияти ижобий таъсир қилмоқда. Масалан, Германия билан Ўзбекистон алоқалари ривожидида мамлакат ҳудудида яшовчи немис диаспораси масаласи муҳим роль ўйнайди. Ушбу диаспоранинг тақдири уларга яратилган шарт-шароитлар Германия ҳукуматини ҳам бевосита қизиқтириб келади. Шу масала юзасидан қатор йиғилишлар ҳам ташкил қилинган. Масалан, 1995 йил ноябрда Боннда, 1997 йил майда, 2010 йил июнда Тошкентда, 2011 йил Берлинда ўтказилган[2]. Германияда 2012 йил 20 июнда ўзбек-герман ҳукуматлараро комиссиясининг бешинчи йиғилиши бўлиб ўтиб, унда Ўзбекистонда яшаётган этник немисларни ҳамма тарафлама қўллаб қувватлаш, келажакдаги маданий-маърифий ривожланиши, шунингдек, ўзаро маданий, илмий, маърифий ва техник алоқалар каби масалалар муҳокама қилинган. Унда қатнашган Германия ҳукумати вакили Кристоф Бергнер Ўзбекистон Республикасида яшовчи турли миллат вакилларига яратилган шарт-шароитларга тўхталиб ўтиб, бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганлиги, бошқа миллат ва элат вакиллари каби немислар ҳам аҳилликда яшаётганлигини қайд этиб бу ишларни юқори баҳолашини айтиб ўтади. Шунингдек, у бешинчи йиғилиш доирасида қилинган ишлардан ва келажакдаги вазифалардан қониқиш ҳосил қилганлигини қайд этиб ўтади. Шу каби ишлар натижаси ўлароқ бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик алоқалари кенгайиб Ўзбекистон ва Германиянинг биргаликдаги баёнотига кўра республиканинг Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Гулистон ва Фарғона шаҳарларида тиббий-ижтимоий ёрдам марказлари ташкил қилинган.

Шу каби муносабатларга Ўзбекистон–Жанубий Корея алоқаларини



келтириш мумкин. Ўзбекистон худудида корейс миллати вакилларининг 31 та миллий маданий маркази фаолият олиб бормоқда. Уларга бошқа миллат ва элат вакиллари сингари тили, маданияти ва урф-одатларининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, Жанубий Корея элчихонаси кўмагида ҳудудлараро корейс тили ва маданияти фестивали анъанавий равишда ўтказиб келинади[3]. Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ Ўзбекистон Республикаси Президентига ёзган миннатдорчилик хатида “Ўзбекистондаги корейс диаспорасига қаратаётган эътиборингиз мени хайратга солди ва чуқур таассурот қолдирди”, – деб таъкидлаган эди[4]. Ўз навбатида корейс маданий марказлари ҳам Ўзбекистондаги турли манфаатли алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Жанубий Корея элчихонаси кўмагида ҳудудлараро корейс тили ва маданияти фестивали анъанавий равишда ўтказиб келинади[5]. Корейс миллий маданий марказлари ассоциацияси ташаббуси билан Корея Республикасидан таклиф этилган 15 та юксак малакали врачлар 5 кун давомида хайрия йўли билан тиббий ёрдам кўрсатдилар. Бундай ёрдамдан Тошкент шаҳрида ва вилоятида яшовчи турли миллатга мансуб фуқаролар баҳраманд бўлган.

Шунингдек, Россия Федерацияси билан алоқаларда ҳам рус миллий маданий марказлари билан етарлича ҳисса қўшиб келмоқда. Рус миллий маданий марказлари рус халқи миллий байрамлари, рус адиб ва таниқли шахсларининг юбилейлари, 9-май хотира ва қадрлаш куни, 12 июнь куни нишонланадиган “Россия куни” байрамлари ҳамда бошқа тадбирлар Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси, “Росзарубежцентр” жамиятлари билан биргаликда ташкил қилиниб келинади.

Бугунги кунда миллий маданий марказлар нафақат ўз миллий маданий маданиятини сақлаш, асраб-авайлаш, балки, Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги ислохотларнинг фаол иштирокчилардан бирига айланди. Хусусан, кишлоқ хўжалиги, хусусий тадбиркорлик, маданият ва спорт соҳаларида кишиларнинг фаолияти, эришган ютуқлари жамоатчилик ҳамда ёш авлодга тарғиб қилинмоқда. Марказлар қошида очилган турли йиғинлар орқали республика томонидан эълон қилинаётган давлат дастурлари, ижтимоий ислохотлар ва бошқа ўзгаришлар тегишли миллат ва элат вакиллари орасида кенг тарғиб қилиниб, бу янгиланишларда фаол қатнашиб келинмоқда. Бу каби ишлар аввало Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган давлат дастурларини аҳолининг барча қатламлари орасида қўллаб-қувватланаётганлигини кўрсатса, яна марказлар томонидан ушбу дастурлар ҳар бир оилани қамраб олишга ёрдам беришини билдиради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этди.

Шу боисдан 2017 йил 19 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда фуқаролар тотувлиги барқарорлигини, турли миллатлар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш мақсадида Республика байналмилал маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг Марказ негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди [6].


Мазкур Қўмита зиммасига жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш, халқаро ҳамжамият, шу жумладан, чет элдаги ўзбек диаспоралари билан дўстликни мустаҳкамлашга доир давлат сиёсатини изчил амалга ошириш вазифаси юкланди [7].

“Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда ёшларни бағрикенглик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат, тарих, маданият, миллий анаъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса ўз навбатида миллатчилик ва экстремизм ақидаларига қарши мафкуравий иммунитетга эга, мустақиллик ғояларига содиқ, Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган ва илгари сурадиган маънавий баркамол авлодни шакллантириш имконини беради.

Бу каби вазифалар, шубҳасиз, Ўзбекистонда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича яхлит тизимни ривожлантириш, миллий маданий марказлар учун янада қулай ва кенг имкониятлар яратиш, уларнинг ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантиришга қаратилган сиёсатни янги босқичга кўтарилишига олиб келади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммадиев Н. Бағрикенглик ва Ҳамжиҳатлик // Халқ сўзи, 2009 йил 8 август.
2. Тураев А. Диалог култур // Народное слово, 2012 год 21 июнь. – С. 4.
3. Новицкий В. В одном строю // Правда Востока, 2012 год 21 сентября. –С.3.
4. Пак Кин ХЭ. Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноби олийларига // Халқ сўзи, 2014 йил 22 август.
5. Новицкий В. В одном строю // Правда Востока, 2012 год 21 сентября.



6. Шин В. На новом этапе возрождения // Ҳамжихатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. – Ташкент, 2001. – Б.121.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги 4957-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3210345

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги 4957-сонли “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3210345